



## Social danger of terrorist crimes: scientific and theoretical analysis

Jamshid IBROKHIMOV<sup>1</sup>

Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

---

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 15 November 2021

Available online

25 December 2021

---

### ABSTRACT

The article provides a scientific and theoretical analysis of the social danger of terrorist crimes. Analyzed the national legislation on terrorist crimes, as well as the opinions of experts in the field of criminal law and criminology. As a result of the analysis carried out in the article, the factors influencing the public danger of terrorist crimes have been identified.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp156-161>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

**Keywords:**

terrorism,  
terrorist crimes,  
social danger,  
socially dangerous  
consequences,  
peace and human security,  
public safety.

## Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги: илмий-назарий таҳлил

---

### АННОТАЦИЯ

Мақолада террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Террорчилик хусусиятига эга жиноятлар тўғрисида миллий қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва криминология соҳасидаги мутахассис олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар натижаси бўйича террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигига таъсир этувчи омиллар аниқланган.

---

**Калит сўзлар:**

терроризм,  
террорчилик хусусиятига  
эга жиноятлар, ижтимоий  
хавфлилиқ,  
ижтимоий хавфли оқибат,  
тинчлик ва инсоният  
хавфсизлиги,  
жамоат хавфсизлиги.

---

<sup>1</sup> Doctor of Philosophy in Law (PhD), Serviceman of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: Jama\_tilla@mail.ru.

# Общественная опасность преступлений террористического характера: научно-теоретический анализ

## АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

терроризм,  
преступления  
террористического  
характера,  
общественная опасность,  
общественно опасные  
последствия,  
мир и безопасность  
человечества,  
общественная  
безопасность.

В статье дается научно-теоретический анализ общественной опасности террористических преступлений. Проанализировано национальное законодательство о преступлениях террористического характера, а также мнения специалистов в области уголовного права и криминологии. В результате проведенного в статье анализа выявлены факторы, влияющие на общественной опасность преступлений террористического характера.

Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг ижтимоий моҳиятини очиб берувчи моддий белгиси ҳисобланади ҳамда шахс, жамият ёки давлатга заарар етказиши ёки заарар етказиш хавфини келтириб чиқариши билан белгиланади.

Ижтимоий хавфлилик фалсафий маънода ғайриижтимоий ҳодиса – жиноятнинг белгилари ва муҳим хусусиятлари жами билан белгиланади. Ҳар бир жиноят ҳуқуққа хилоф қилмиш сифатида ижтимоий хавфлиликни намоён қиласиди. Шу маънода, маълум бир турдаги жиноятлар, хусусан, террорчилик хусусиятига эга жиноятлар ҳам шундай ўзига хос хусусиятларга эга лигини қайд этиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 14-моддасида жиноятга берилган легал таърифга асосан ижтимоий хавфлилик қилмишни жиноят сифатида эътироф этишнинг ҳамда уни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги масаласи жиноят ҳуқуқи назариясида батафсил таҳлил қилинган. Хусусан, Р.Э. Оганян ва бир қатор муаллифлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини ўзига хос ижтимоий муносабатлар, жамият бутун турмуш тарзининг маҳсули эканлиги сабабли ижтимоий характерга эга эканлигини таъкидлайдилар. Бундай шароитда қонун чиқарувчининг роли шундан иборат бўладики, мавжуд қилмишни унинг ижтимоий ривожланиш учун хавфлилиги хусусияти ва даражаси нуқтаи назаридан баҳолаши лозим бўлади. Бинобарин, ижтимоий хавфлиликнинг хусусияти ва даражаси каби ижтимоий тушунчалар содир этилган жиноятнинг оғирлигини белгилайди.

А.Ш.Алиевнинг фикрича, “жиноят-ҳуқуқий ижтимоий хавфлилик – бу қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга заарар етказишнинг реал имкониятларини ўз ичига олган ва унинг салбий хусусиятлари ва белгилари жамидан иборат жиноятнинг маълум бир ғайриижтимоий ҳодисасидир”.

Е.В. Епифанова таъкидлашича, ижтимоий хавфлилик – жиноятнинг объектив таркибий элементи бўлиб, фуқаро, жамият ва давлатнинг энг муҳим, зарурий манфаатларига заарар, шикаст етказилаётганлигини қўрсатади. Уларга заарар етказилади ёки заарар етказиш таҳди迪 вужудга келади. Қилмишда жиноятнинг моддий белгиси сифатида ижтимоий хавфлилик белгиси йўқ бўлса, жиноят қонунида қўрсатилган ва расман жиноят белгилари бўлса-да, қилмиш шахс, жамият ва давлат манфаатларига заарар етказмаслиги туфайли жиноят деб топилмайди.

Ижтимоий хавфлилик хусусияти жиноят элементларининг қўйидаги кичик тизимларидан ташкил топган: биринчидан, тажовуз обьекти; иккинчидан, жиноий тажовуз мазмуни; учинчидан, айб шакли; тўртинчидан, жиноятни содир этиш усули. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса жиноят таркиби элементининг миқдор кўринишини акс эттиради.

Э.А. Васильев жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини обьектив белги сифатида баҳолайди, чунки унинг мавжудлиги ёки йўқлиги ташқи иродага боғлиқ бўлмайди. Муайян қилмишнинг ижтимоий аҳамияти тегишли даврдан келиб чиқиб белгиланади.

Р.Р. Галиакбаров ижтимоий хавфлиликни жиноятнинг ички (моддий), обьектив белгиси сифатида тавсифлайди. Ҳар қандай қилмиш бирорлар шундай деб ҳисоблагани учун эмас, балки у ўзининг ички моҳиятига кўра, жамият асосига путур етказгани, ижтимоий муносабатларга жиддий заарар келтиргани учун ижтимоий хавфли деб ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фақатгина шахс, жамият ва давлат манфаатларига заарар етказувчи ёки етказиш хавфини келтириб чиқарувчи қилмишларнигина жиноят деб тақиқлайди ва тан олади. Башарти, расман тақиқланган қилмиш кам аҳамиятлилиги натижасида бундай заарар етказмаса, у жиноят сифатида тан олинмайди. Ижтимоий хавфлилик қилмишни криминализация қилиш учун асос бўладиган унинг обьектив белгиси саналади.

Ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз обьекти (жиноят туфайли бузиладиган ижтимоий муносабатлар тоифаси), жиноий оқибатлар (жисмоний, иқтисодий ва б.), айб шакли (қасд ёки эҳтиётсизлик), жиноятни содир этиш усули (зўрлик ишлатиб, ўқотар қуролдан фойдаланиб ва б.) билан тавсифланувчи белгилар мажмуи билан белгиланади.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шубҳа уйғотмайди ҳамда жиноий жавобгарликни тўғри дифференциация қилиш, шунингдек, муносиб жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун зарур ҳисобланади.

Хусусан, қилмишнинг қўйидагиларни назарда тутувчи хусусиятларини акс эттиради: аниқ ҳаракатни содир этиш ёки кўрсатилган ҳаракатларни содир этишдан тийилишни жиноят-ҳуқуқий тақиқлаш учун жамиятда обьектив зарурат мавжудлиги; тегишли қилмишнинг жамиятнинг аксарият вакиллари томонидан англаб етилганлиги; қилмишни содир этишда айбнинг мавжудлиги.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги жамоат хавфсизлигига тажовуз қилиши, давлат ҳокимияти ва мансабдор шахсларнинг ҳокимият-бошқарув фаолиятига заарар етказиши, турли давлатлар, миллатлар, этник ёки ижтимоий гурухлар ўртасида нафрат ва адоварат уйғотиши билан тавсифланади.

А.А. Власов эса террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, уларнинг ижтимоий хавфли оқибатларида намоён бўлишини таъкидлайди. Хусусан, муаллиф мазкур жиноятларни содир этиш натижасида одамлар ўлими, тан жароҳати етказилиши каби ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши унинг ижтимоий хавфлилигини оширади, деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, айнан ижтимоий хавфлилик жиноятни бошқа жамият ёки аниқ шахс учун заарарли бўлган, ғайриижтимоий, бироқ ижтимоий хавфли бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи белги вазифасини бажаради. Ижтимоий хавфлилик ўзида етказилган зааррнинг обьектив (унинг миқдори, хусусияти ва б.) ва субъектив белгиларини (айб шакли, мотив, мақсад) ифодалайди.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бу мазкур қилмишлар ижтимоий хавфлилиги миқдор хусусиятлари мажмуидан иборат. Бошқача айтганда, террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси етказилган ёки етказилишининг реал хавфи келиб чиқсан зарарнинг миқдоридан, шахс айбининг ифодаланиш даражаси, унинг мотив ва мақсадлари хусусияти, жиноятни содир этиш усулининг бошқалар учун ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқади.

Ўз навбатида, террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тайинланадиган жазонинг тури ва миқдорига ҳам таъсир кўрсатади ва тегишли жиноят-хукуқий нормаларнинг санкция қисмida ўз аксини топади.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги бир қатор халқаро ҳужжатларда эътироф этилган. Хусусан, БМТнинг Халқаро терроризмни тугатиш бўйича Декларациясининг 2-бандида терроризм акти, методлари ва амалиёти БМТнинг мақсад ва принципларига зид эканлиги ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка тажовуз қилиши, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларга таҳдид солиши, халқаро ҳамкорлик учун тўсиқлар вужудга келтириши, инсон ҳукуқлари, жамиятнинг асосий эркинлеклари ва демократик асосларини бузиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятлар учун юқори ижтимоий хавфлилик хос бўлиб, бу мазкур жиноятлар обьектларининг турли, шу жумладан, инсоният тинчлиги ва хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, террорчилик хусусиятига эга жиноятлар айrim ҳолларда халқаро жиноятлар мақомини олиши мумкинлиги ҳам уларнинг ижтимоий хавфини оширади.

Юқорида номи тилга олинган Декларациянинг 4-банди ва 5-банди “е” кичик бандида аъзо-давлатларнинг террорчилик ҳаракатларини содир қилишга қаратилган фаолиятга йўл қўйиш ва уларни рағбатлантиришдан тийилиш, терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро конвенцияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш, шу жумладан, миллий қонунчиликни уларга мувофиқлаштириш каби мажбуриятлари кўрсатилган.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенциясининг З-моддаси унда иштирок этувчи давлатларга терроризм, сепаратизм ва экстремизм ҳеч қандай шароитларда мутлақ сиёсий, фалсафий, ғоявий, ирқий, этник, диний ёки бошқа шунга ўхшаш асосга кўра оқланмаслиги ва уларнинг оғирлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда жазоланиши бўйича миллий қонунчиликни ичига олган ҳолда чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Евropa Кенгашининиг Терроризмни олдини олиш бўйича Конвенцияси 5-моддасида тарафлар террористик жиноятни содир этишга омма олдида далолат қилишни, у ноқонуний ва қасддан содир этилганда ўз миллий қонунчилигига кўра, жиноий жазоланадиган қилмиш, деб тан олиш бўйича зарур чоралар кўриши лозимлиги мустаҳкамланган.

Мазкур конвенцияда террористик жиноятни содир этишга оммавий далолат қилиш деганда, агарда бундай хулқ-атвор, бевосита террористик жиноятни тарғиб қилиш-қилмаслигидан қатъи назар, бундай жиноятларнинг бири ёки бир нечтасининг содир этилиши хавфини яратса, мазкур жиноятни амалга оширишга ундашга йўналтирилган жамоатчиликка мурожаатни тарқатиш ёки бошқача тақдим қилиш бўйича ҳаракатлар тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз обьекти (тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги, Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари, жамоат хавфсизлиги, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги), жиноий оқибатлар (халқаро муносабатларнинг мураккаблашуви, суверенитет, ҳудудий яхлитлик бузилиши, хавфсизликка путур етказилиши, одамлар ўлими, тан жароҳати, молмulkнинг нобуд бўлиши ва б.), айб шакли (қасд), жиноятни содир этиш усули (зўрлик ишлатиб, ўқотар қурол, портловчи воситалардан фойдаланиб ва б.) билан белгиланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бойко А.И., Родина Л.Ю. Контрабанда (история, социально-экономическое содержание и ответственность): Монография. – Ростов-Н-Д: СКАГС, 2001. – С. 83.
2. Оганян Р.Э. Предупреждение похищения людей: теория, и практика. М., 2002. – С. 104; Анциферов К.П. Ответственность за захват заложника: Уголовно – правовые и криминологические аспекты. Дисс. ... к.ю.н., М., 2003. – С. 38; Миронов И.А. Уголовно-правовые и криминологические аспекты похищения человека. Дисс. ... к.ю.н., Ростов на/Д, 2002. - С. 26; Гущин М.Ю. Захват заложника: Криминологическая характеристика и уголовно - правовые меры противодействия. Дисс. ... к.ю.н., СПб., 2005. – С. 26.
3. Алиев А.Ш. Уголовная ответственность за похищение человека и захват заложника по законодательству Республики Таджикистан: сравнительный аспект: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 6.
4. Епифанова Е.В. Общественная опасность как научная категория, законодательная дифиниция: история и современность. Научный очерк. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 45.
5. Российское уголовное право: В 2 т. Т. 1: Общая часть: Учебник / Г.Н. Борзенков и др.; Под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, В.С. Комиссарова, А.И. Рарога. М., 2006. – С. 77–78.
6. Васильев Э.А. Административное правонарушение и преступление: общие черты и различия: Автореф. дис. ... канд. юр. наук. – М., 2007. – С. 18.; Васильев Э.А. Общие черты административного правонарушения и преступления // Административное право и процесс. – 2007. – № 1. – С. 2–9.
7. Галиакбаров Р.Р. Уголовное право. Общая часть: Учебник. – Краснодар, 2005. – С. 79.
8. Васильев Э.А. Общественная опасность – основной критерий ограничения административных правонарушений от преступлений // Государство и право. – 2007. – № 4. – С. 86.
9. Жалинский А.Э. Общественная опасность преступления в структуре уголовно-правовой оценки деяния // Избранные труды: в 4 т. Т. 2. Уголовное право. – М., 2015. – С. 235.
10. Суворов В.А. Цель нарушения мирного сосуществования государств и народов как признак акта международного терроризма // Общество и право. – 2018. – № 3. – С. 55–56.; Давиденко М.А. Общественная опасность создания преступного сообщества, специализирующегося на осуществлении террористической и экстремистской деятельности // Евразийская адвокатура. – 2018. – №6(37). – С. 98–99.
11. Власов А.А. Террористический акт как преступление против общественной безопасности // Молодой ученый. – 2019. – № 49 (287). – С. 296–297.

12. Епифанова Е.В. Общественная опасность как научная категория, законодательная дифиниция: история и современность. Научный очерк. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 48–49.

13. Декларация о мерах по ликвидации международного терроризма (принята 9 декабря 1994 г. Резолюцией 49/60 Генеральной Ассамблеи ООН) // Действующее международное право. Т.3. – М.: Московский независимый институт международного права, 1997. – С. 90–94.

14. Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом (Шанхай, 15 июня 2001г.) // Собрание законодательства РФ. – 2003. – № 41. – С. 3947.

15. Конвенция Совета Европы о предупреждении терроризма (CETS № 196) (Варшава, 16 мая 2005 г.) // Бюллетень международных договоров. – 2009. – №9. – С. 30–57.

16. Кочой С.М. Общеевропейское законодательство о борьбе с терроризмом и перспективы реформирования УК РФ // Lex russica. – 2014. – № 9. – С. 1061–1069.